

“Даромадимни кўргач, оилам хориждан қайтди”

3-с.

Иқтидор ўз йўлини топмоқ учун рағбат беринг, руҳан қўлланг!

50 нафар ёшга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, кенгайтириш учун имтиёзли кредит олишда ёрдам кўрсатдик.



4-с.

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2024 ЙИЛ
5 ОКТЯБРЬ,
ШАНБА

Mahalla

№61
(2199)

WWW.UZMAHALLA.UZ

БУГУНГИ СОНДА:

Тадбиркорлик ва томорқа хизматида тушум ва даромадлар ортяпти

Солиқ инспектори “маҳалла еттилиги”нинг иқтисодий таянчи бўлиб, ҳудуднинг “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб, солиқ тушумларини кўпайтириш йўлларини излаяпти. Бунинг учун, аввало, маҳалладаги тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштириб, ўзини ўзи банд қилганларга кичик бизнес тоифасига ўтишга кўмаклашяпмиз.

5-с.

“Яшил” тоифа учун манзилли ва мақсадли ишладик”

Бугунги тезкор замонда изланиш ва интилишдан тўхтамаслик керак. Шу боис аҳолини замонавий таҳдидлардан мунтазам огоҳлантириб, жиноятчиликка мойиллиги бор фуқаролар билан тизимли ишлаяпман. “Навбаҳор” маҳалласининг жиноятдан холи ҳудуд бўлишига, айнан шу икки омил сабаб бўлмоқда.

6-с.

Чуқурроқ ўргансангиз, осонроқ ечим топасиз

Ҳудудимиздаги 11 нафар болага ота-она қарамоғисиз қолгани боис васий тайинладик. 7-синфда ўқийдиган қизнинг онаси вафот этгач, отаси бошқа оила қуради. Лекин фарзанди ўгай онанинг қўлида вояга етишини истамагани учун тоғасининг васийлигига топширди.

7-с.

Аёллар севимли машғулоти билан банд

Наргиза Шомуродова тадбиркорлик қилиш истагини билдиргани боис “Аёллар дафтари”га киритилган эди. Шунга асосан, маҳалла тавсияси билан 33 миллион сўм миқдорида кредит олиб, қандолатчилик корхонасини ташкил этди. 2 нафар аёл билан бирга, турли пиширик ва ширинликлар тайёрлаб савдога чиқаряпти. Харидорлари сафи борган сари кўпаймоқда.

8-с.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг!

@mahalla_raislari

@mahalladosh_1

@mahalladosh

Газетанинг телеграмдаги «uzmahallabot»ига ўтиш учун QR-кодни сканерланг!

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ



САМАРҚАНД АНЖУМАНИ:

ТАЖРИБАЛАР, ТАКЛИФЛАР ВА ТАШАББУСЛАР МАЙДОНИ

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри яна бир нуфузли анжуманга мезбонлик қилди. Бу ерда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамкорлигида жорий йилнинг 2-5 октябрь кунлари “Аҳолининг турмуш даражасини оширишда маҳалланинг ўрни” мавзусида халқаро конференция ташкил этилди. Эътиборлиси, ушбу анжуман мамлакатимиз тарихида биринчи маротаба аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган нуфузли тадбир бўлганини таъкидлаш жоиз.

Маҳалла — узоқ ўтмиш, маҳалла — бугун, маҳалла — келажак. Бу кўҳна ҳалқа асрлар давомида халқимиз ҳаётининг мазмунини англатибгина қолмай, қадриятлар, инсоний муносабатлар, орзу ва мақсадлар асоси бўлиб келган. Ота-боболаримиз маҳаллага эш бўлиб, эл дардини англаб ўтган, бугун биз шу муҳитда яшаб, фарзандларимизни юртга қўшиш, эл корига камарбаста қилиш ниятидамиз.

Бугун маҳалла деганда, дунёда камдан-кам учрайдиган, инсонни жамият билан уйғун яшашга ўргатиб, бағрикенглик руҳида тарбиялайдиган, халқ билан давлат ўртасидаги ишончли кўприк вазифасини бажарадиган ноёб тузилмани тушунамиз. Шу заминда яшаётган, унинг сув-нонини тотаётган киши борки, ўз ҳаётини, қувончу ташвишларини маҳалладан айри ҳолда тасаввур этолмайди.

Давоми 2-саҳифада.

ТАЖРИБА

“Оғир ҳудуддан обод масканга айландик”



Маҳалламиз тўққиз қиплоқдан иборат. Умумий майдони 224 гектар. Ҳудудда 6 330 нафар аҳоли истиқомат қилади. “Драйвер”имиз — деҳқончилик ва чорвачилик. Тумандаги энг катта маҳаллалардан бири бўлсак-да, яқингача аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратилмаганди, оғир ҳудуд ҳисобланардик.

Давоми 2-саҳифада.

ТАКЛИФ

Ютуқларимиз омили ҳамжиҳатликда, шукроналикда

“Маҳалла еттилиги”нинг асосий вазифаси бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, ҳудуд инфратузилмасини яхшилашдан иборат. Фаолият мана шу мезонлар асосида йўлга қўйган. Хонадонма-хонадон юриб, хатлов ўтказиш орқали аҳоли муаммолари ўрганилмоқда. Тадбиркорликка йўналтириш, ўзини ўзи банд қилган ҳолда оила даромадини ошириш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Давоми 2-саҳифада.





“Креатив иқтисодиёт тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Қонуннинг асосий мақсади — КРЕАТИВ ИҚТИСОДИЁТНИ қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш.



Президент фармонига кўра, 2025 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН мактабгача таълим ташкилотининг директори ўринбосари лавозими жорий этилади.



Президент фармонига кўра, ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШ ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги ташкил этилади.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Самарқанд анжумани: ТАЖРИБАЛАР, ТАКЛИФЛАР ВА ТАШАББУСЛАР МАЙДОНИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.



Санжар ИСМАТОВ.

Сўнгги йилларда маҳалланинг ваколати ҳам, жамият ҳаётидаги ўрни ҳам, инсонлар тақдиридаги аҳамияти ҳам ошди. Аҳоли ҳаётини яхшилашда энди оддий иштирокчи ёки ижрочи эмас, балки қарор қабул қиладиган марказга айлантирилди. “Маҳалла еттилиги” ташкил этилиб, уларга зарур имкониятлар яратиб берилиши натижасида аҳолининг турмуш даражасини ошириш борасидаги ишлар янги босқичга олиб чиқилди.

Шу билан бирга, ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими — **маҳаллага халқаро даражада қизиқиш ортиб бораётганини айтиб ўтиш ўринли.** Маҳалла миқёсида шаклланган тажрибалар кўпчилик хорижлик экспертларни маҳалла тарихини ўрганиш, унинг бугунги ислоҳотлар жараёнларидаги иштирокини баҳолаш, бевосита Ўзбекистонга келиб, маҳалла муҳитида яшаб кўриб, таҳлил қилишга чорлаяпти.

Ўз навбатида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ўзини ўзи бошқариш тизимини такомиллаштириш, айни йўналишда халқаро тажрибани ўрганиш борасида муайян ишларни амалга оширди. Хусусан, дунёнинг нуфузли тузилмалари билан алоқалар йўлга қўйилиб, Хитой, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон давлатларига Уюшма делегациялари ташриф буюрди.

ЯЛПИ ЙИҒИЛИШ: ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР МАҲАЛЛА ҲАҚИДА...

Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — маҳалла институтининг ноёб тажрибасини ўрганиш, унинг аҳоли турмуш даражасини оширишдаги аҳамиятини очиб бериш имконини берган мазкур халқаро анжуман дунёнинг нуфузли тузилмалари ҳамда 70 дан ортиқ мамлакат экспертларини ягона платформага жамлади. Унда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ЮНИСЕФ, UNDP, UNODC, UNFPA, USAID каби халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий мамлакатларнинг юртимиздаги элчилари, ўзбекистонлик соҳа мутахассислари, олимлар, маҳалла фаоллари иштирок этади.

Анжуманнинг кириш қисмида сўзга чиққан **Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев** ва бошқалар сўнгги йилларда маҳалла тизимида амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратди. Қайд этилганидек, маҳалланинг нуфузи оширилди, унинг мақоми Конституция даражасида мустаҳкамланди. Маҳалла тизими ислоҳотларнинг марказий ва ҳал қилувчи бўғинига айланди. Айниқса, барча соҳа ва йўналишлар бўйича “маҳаллабай”, “хонадонбай”, “оилабай” ишлаш тизими кенг жорий этилиб, “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили амалиётга татбиқ этилди.

Кўриниб турибдики, давлат барча ислоҳотларни айнан маҳалла орқали аҳолига етказишни мақсад қилган. Бу ўринда унинг мустақил ўзини ўзи бошқариш органи экани, маҳалла раисини бевосита халқнинг ўзи сайлаши, қолаверса, маҳалла одамларга энг яқин тузилма экани инобатга олиняпти.

Тадбирнинг ялпи йиғилишида сўз олган халқаро ташкилотлар вакиллари маҳалланинг ўзига хос хусусиятларига тўхталиб, унинг аҳоли турмуш даражасини оширишдаги ўрнини алоҳида эътироф этишди.

— Ўзбекистонда инсон қадр-қимматига катта эътибор қаратилиб, ислоҳотлар марказига инсонни қўйган ҳолда, кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда, ***— дейди Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий координатори Сабине МАҲЛ.***

— БМТнинг доимий вакили сифатида Қорақалпоғистон, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги маҳаллаларда бўлиб, шахсан ўзим бунинг яққол гувоҳи бўлдим. Маҳаллий ҳокимлик вакиллари, ёшлар, фермер аёллар, тадбиркорлар ва кексалар билан суҳбатларга бой бўлган ушбу ташрифлар Ўзбекистон халқининг матонати ва ижобий руҳияти ҳақида чуқур таассурот қолдирди. Жамиятнинг юраги бўлган маҳалла БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларининг асосий тамойили бўлган “ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” ғоясини ўзида мужассам этади. Конференцияда айни жиҳатлар диққат-марказида бўлди.

Конференциянинг кириш қисмида Ўзбекистон томонидан Ички ишлар вазирлиги, Президент ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси вакиллари ўз маърузалари билан қатнашди.

ТЎРТТА ШЎЪБАДА ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАР КЎРИЛДИ?

Конференциянинг расмий қисми **4 та шўъбадан** иборат бўлди. Биринчи — **“Марказий Осиё мамлакатларининг ўзини ўзи бошқариш органлари тажрибаси”** йўналишида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон давлатларида шаклланган ўзини ўзи бошқариш органлари тизими, унинг тарихи, ўзига хос хусусиятлари, бугунги ҳолати ҳақида фикр-мулоҳаза алмашилди. Экспертлар ҳар бир давлатнинг бу борадаги тажрибасига эътибор қаратди. Ўзаро ҳамкорликда узвий алоқаларни янада мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

— Конференцияда қатнашганимдан мамнунман, бу ерда ўзини ўзи бошқариш органлари тажрибаси билан танишдик, ***— дейди Қозоғистоннинг “Ошак барқарор ривожланиш маркази” раҳбари, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Сарқитбек Молдаба.*** *— Ўз навбатида йиғилганларга айни йўналишда Қозоғистонда шаклланган тажрибалар ҳақида сўзлаб бердим. Хусусан, бизда қишлоқ бошлиғини қадимда Ауилнай (Ауилнай) деб аташган. Бу вазифа кичик маъмурий лавозим бўлиб, уч йил муддатга нуфузли ва молиявий жиҳатдан таъминланган одамлар орасидан танлаб олинарди. Ауилнай мол-ҳолни ҳисобга олиш, мавсумий кўчишларни ташкил этиш, солиқларни йиғиш ва бошқа масалалар билан шуғулланган. Бугунги кунда қишлоқ ҳудудлари акимлари ҳам қозоқлар Ауилнай деб аташади. Шўъба йиғилишида Қозоғистонда маҳалла тажрибасидан фойдаланиш зарурлигини алоҳида қайд этдим.*

Иккинчи шўъба — **“Давлат бошқарувида ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни”** йўналишида бўлиб, унда ўзини ўзи бошқариш соҳасида Туркия, Хитой ва Германияда шаклланган тажрибалар, мамлакатимизда ташкил этилган “маҳалла еттилиги” тизими ҳақида фикрлашилди. Ўзбекистонда маҳалладаги ишларнинг ҳолати вазирлик, идора ва ҳокимликлар фаолиятини баҳолашнинг бош мезони сифатида белгиланган, барча даражадаги раҳбарлар маҳаллага тушиб, ўз йўналиши бўйича муаммоларни ўрганиш ва уларга ечим топиши тартиби жорий этилгани хорижликларда қизиқиш уйғотди.

Учинчи шўъба — **“Ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан хотин-қизлар, ёшлар ва болалар манфаатлари таъминланиши”** йўналишида ЮНИСЕФ томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар, Ўзбекистон, Грузия, Қирғизистоннинг ўзига хос тажрибалари ҳақида сўз борди. Мамлакатимизнинг хотин-қизлар, ёшлар, болалар масалаларига алоқадор давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирди.

— Конференцияда маҳалла амалга оширадиган чора-тадбирлар бўйича бир нечта тавсиявий масалаларда келишиб олдик, ***— дейди UNICEF Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакили Луэдеки Антониа.***

— Хусусан, маҳалла зўравонлик, суиистеъмоллик ёки қаровсизликнинг дастлабки белгиларини аниқлаш учун жамиятдаги заиф оилалар ва болаларни мунтазам равишда кузатиб бориши мумкин. Ижобий, зўравонликсиз тартиб-интизомни тарғиб қилиш ва оила динамикасини яхшилаш учун ота-оналар учун дарслар ва маслаҳат хизматларини тақдим этиш керак. Зўравонлик ёки эътиборсизликка айланиб кетиши мумкин бўлган низоларни ҳал қилиш учун оилавий воситачилик хизматларини кўрсатиш ҳам яхши самара беради. Умуман олганда, болаларни ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда “оила — маҳалла — жамият” ҳамкорлиги тизимини кучайтириш лозим.

Тўртинчи шўъба — **“Ўзини ўзи бошқариш органларида замонавий технологиялар, илмий тадқиқот фаолияти ва малака ошириш тизимини ривожлантириш”** йўналишида рақамли технологияларнинг аҳамияти, тизимни илмий ёндашувлар асосида такомиллаштириш, ходимлар салоҳиятини ошириш борасида фикр алмашилди.

САМАРҚАНД МАҲАЛЛАЛАРИ — ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

Конференция натижаларидан келиб чиқиб, ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини халқаро тажрибаларга таяниб олиб боришга доир **якуний резолюция** имзоланди. Шунингдек, иштирокчилар Самарқанд шаҳридаги **“Девори Кўндаланг”, “Конигил”, “Чаримгари” маҳаллалари** ва маҳалла сервис компанияларига ташриф буюрди. Маҳаллаларда яратилган шароитлар, ободлик ва бунёдкорлик ишлари уларда катта таассурот қолдирди. Меҳмонлар, шунингдек, Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойлари — **Мирзо Улуғбек расадхонаси, Амир Темур мақбараси, Хўжа Дониёр мақбараси, Регистон мажмуаси** билан яқиндан танишди.

Умуман олганда, халқаро конференция самарали ва мазмунли фикрларга бой ўтди, амалий таклифлар ўртага ташланиб, ўзаро тажриба алмашиш имконини берди. Юртимизда илк маротаба ташкил этилганига қарамай, конференция аҳоли турмуш даражасини оширишда маҳалланинг ролини очиб беришга хизмат қила олди.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

ТАЖРИБА

“ОҒИР ҲУДУДДАН ОБОД МАСКАНГА АЙЛАНДИК”



Толиббой НОРҚУЛОВ, Иштихон туманидаги “Қиёт” маҳалласи раиси.

Бугун манзара буткул ўзгарди. Жорий йил “Обод хонадон” мезони асосида инфратузилма билан боғлиқ муаммоларга ечим топилди. Хатлов натижалари бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, 622 хонадон таъмирланди. Аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланиш мақсадида 752 та хонадонда фермерлар ва ҳомийлар кўмагида шудгорлаш ишлари амалга оширилиб, баҳорги экинлар экилди. 2 нафар фуқаро доимий ишга жойлаштирилди, 16 нафари касб-ҳунарга ўқитилди, 36 нафар фуқаро жамоат ишларига жалб этилиб, 71 нафар фуқаронинг ўзини ўзи банд қилиши, 17 нафарининг тадбиркорлик фаолиятини бошлашига ёрдам кўрсатилди.

Ижтимоий дафтарларда рўйхатда турган 20 нафар фуқарога 108 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди, 10 нафар фуқарога банк кредити олишда кўмаклашилди, 17 нафар шахсга 106 миллион сўмлик асбоб-ускуналар харид қилиш учун субсидия ажратилди.

Ички кўчаларнинг 7 километри асфальт қопламаси билан жорий таъмирланиб, 13 километрига асфальт ётқизилди. 32 километр тупроқ йўлларга қум-шағал тўкилди. 1,7 километр узунликда пиёдалар йўлаги барпо этилди. 5 та трансформатор пункти янгидан ўрнатилиб, 14 таси капитал таъмирланди, 14,1 километр СИП кабел тортилди. Эски симёғочлар ўрнида 510 та янги темир-бетон устун ўрнатилиб, асосий кўчаларда 100 та тунги ёритиш чироқлари қўйилди.

Дарвоқе, маҳалладаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари жараёнида ҳомийлик ва ҳашар йўли билан янгидан маҳалла биноси барпо этилиб, “маҳалла еттилиги” фаолияти учун барча шарт-шароит яратилди. Мазкур бинонинг иккинчи қаватида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва касб-ҳунар ўргатиш мақсадида тикувчилик корхонаси фаолияти йўлга қўйилди.

Йил бошидаги хатловда 69 нафар ишсиз рўйхатга олинганди. Ўтган вақт давомида барчасининг бандлиги таъминланди. Бугун маҳалла ишсизлик ва жиноятчиликдан холи ҳудудга айланди.

Иш бор жойда камчилик бўлади. Шу маънода аҳолига суюлтирилган газ етказиб беришда узилиш кузатилмоқда. Газ баллонлари вақтида олиб келинмайди. Бундан ташқари, чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизмати йўлга қўйилмаган. Туман ободонлаштириш бўлимига мурожаат қилгандик. Хизмат кўрсатувчи автомашиналар етишмагани учун шартнома туза олмадик. Масъуллар мана шу масалада амалий ёрдам беришларини истардик. Чунки чиқиндилар вақт ўтиши билан ҳавони ифлослаб, турли юқумли касалликлар тарқалишига сабаб бўлади.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

ТАКЛИФ

Ютуқларимиз омили ҳамжиҳатликда, шукроналикда



Гулистон ҚУРОНОВА, Урганч туманидаги “Ёшлик” маҳалласи раиси.

Маҳаллада 3 308 нафар аҳоли бўлиб, асосан, кўп қаватли уйларда яшайди. “Драйвер”имиз — хизмат кўрсатиш ва савдо. Шундан келиб чиқиб, жорий йил 7 нафар талабгорга имтиёзли кредит ажратиб, бир нафар фуқарога субсидия орқали асбоб-ускуна олиб бердик. Натижада тадбиркорлар сафи кенгайиб, янги иш ўринлари ташкил этилди.

Азиза Ниёзова ишсиз эди. 33 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобига тикувчилик корхонаси ташкил этди. Бу орқали нафақат ўзи ишли бўлди, балки қўшимча 2 та иш ўрни яратди.

Сир эмас, бугун оилавий жанжаллар, муаммоли вазиятлар ҳар бир маҳалланинг ташвишига айланган. Шундай вазиятда кўпни кўрган, тажрибали, қайвони инсонлар билан бамаслаҳат иш олиб бориб, муаммога ечим топяпмиз. Ўтган йили 1 та оилавий ажралиш кузатилган эди. Жорий йил бундай кўнгилсизлик содир бўлмади.

Ютуқлар омили нимада, деб сўрашса, ҳамжиҳатликда, дея жавоб бераман. Одамларимиз юзидаги шукроналик ва миннатдорлик ҳиссини кўрганда меҳнатларимиз зое кетмаётганидан қувонаман. “Маҳалла еттилиги”нинг ҳамкорлиги, тажрибали инсонлар, нафақадаги зиёлилар — Ҳожиназар Ниёзметов, Шодмон Мавлонова, Отабек Бегматов кабиларнинг саъй-ҳаракати ютуқлар омили бўлмоқда. Уларнинг ҳар бирига уюшмаган ва ижтимоий кўмакка муҳтож ёшларни “Бир нуроний ўн ёшга масъул” тамойили асосида бириктириб қўйилган.

Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга алоҳида ёндашганмиз. Шу сабабли бир неча йилдан бери “яшил” ҳудуд тоифасидамиз.

Камбағалликни қисқартириш ишларини кейинги сифат босқичига олиб чиқиш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ижроси доирасида 5 та оила рўйхатга олинди. Уларни камбағалликдан чиқариш бўйича амалий ҳаракат бошладик.

Маълумки, аҳолига қулай шароит яратишда маҳалла инфратузилмасининг аҳамияти катта. Бу борада муаммо йўқ. Фақат кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи “Конструкцион глобал хаус” бошқарув сервис компанияси хизматидан аҳоли норози. Улар ўз вазифасини тўлақонли бажармаяпти.



Президент қарорига асосан, ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИ маркази ташкил этилади.



Жаҳон банки Ўзбекистондаги ислоҳотлар дастурини қўллаб-қувватлаш учун 800 МЛН. ДОЛЛАРЛИК молиялаштириш пакетини тасдиқлади.



Тошкент шаҳаридаги “Намуна” ва “Ҳасти Имом” ТАРИХИЙ МАҲАЛЛАЛАРИДА арт-резиденцияларнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Муҳаммадали МАМАДАЛИЕВ. Наманган шаҳри:

— Хусусий тадбиркорман. Корхонада 10 та иш ўрни яратганман. Маълумки, унумдорликни ошириш, маҳсулот сифатини таъминлаш учун ишчилар малакали бўлиши лозим. Шу талаб асосида мониторинг ўтказдим. Афсуски, айрим мутахассисларнинг малакаси етарли эмаслиги аниқланди. Бу вазиятда улар билан меҳнат шартномасини бекор қилиб, ўрнига бошқа ходим олсам бўладими?

ХОДИМНИНГ МАЛАКАСИ ЕТАРЛИ БЎЛМАСА...



Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ, “Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Қонунчиликда ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги сабабли меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиби белгиланган. Ходим билан тузилган меҳнат шартномасига кўра, айнан бажариши шарт бўлган ишни уддалай олмаётган бўлсагина, нолойиқлиги бўйича у билан меҳнат шартномасини бекор қилинишига йўл қўйилади.

Агар розилигисиз ишлаб чиқариш зарурати билан ёки фаолият тўхтаб қолганда иш берувчининг ташаббусига кўра, вақтинча ўтказилган ишни уддалай олмаётган бўлса, меҳнат шартномасини ишига нолойиқ, деб бекор қилинишига йўл қўйилмайди. Чунки бу иш ўрни меҳнат шартномасида кўрсатилмаган.

Ходимнинг нолойиқлиги бажариши шарт бўлган, топширилган ишни уддалай олмаётганлигини исботловчи аниқ факт(текширув далолатномалари, бевосита раҳбарлик, назорат қилувчининг билдириш хати, ҳисоботлар, аттестация ҳужжатлари ва ишнинг паст сифатлигини, яроқсиз маҳсулот чиқараётгани, иш ҳажмини ҳамда ишлаб чиқариш меъёрини бажара олмаётганини тасдиқловчи бошқа ҳужжат)лар билан тасдиқланиши лозим.

Агар унга топширилган ишни уддаласа, меҳнат шартномасини 161-моддасининг иккинчи қисми 3-банди билан бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Аттестация комиссиясининг хулосаси ходимнинг малакаси етарли эмаслигини тасдиқловчи далиллардан бири бўлиб, уни иш юзасидан барча далиллар йиғиндиси асосида суд баҳолайди. Бунда судлар аттестацияни ўтказиш бўйича ўрнатилган тартибга риоя этилганини текшириши керак.

КАМБАҒАЛЛИКДАН ФАРОВОНЛИК САРИ

“Даромадимни кўргач, оилам хориждан қайтди”



Юртимизда ўзаро меҳр-оқибат, саховат, мурувватлилик азалий қадрият бўлган. Айниқса, эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила ва маҳаллаларда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бу фикрлар исботини ўз тақдиримда кўриб, гувоҳ бўляпман.

Холида ОТАМУРОДОВА, Ғузор туманидаги “Мустақиллик” маҳалласи.

2-гуруҳ ногирони бўлганим учун “маҳалла еттилиги” кўмагида “Аёллар дафтари”га рўйхатга олингандим. Лекин имкониятим чекланмаган. Интилсам, ҳаракат қилсам, турмуш шароитимни янада яхшилаш мумкинлигини англадим. Хонадонимиздаги бўш ер майдонида иссиқхона ташкил этиш фикри туғилди. Шу мақсадда ҳоким ёрдамчиси Бобурбек Мўминовдан кўмак ва маслаҳат сўрадим. “Маҳалла еттилиги” хулосаси асосида менга 33 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Ҳозир 2,5 сотихли иссиқхонада қулупнай экиб, яхши даромад топяпман. Турмуш ўртоғим ва ўғлим хорижда меҳнат қиларди. Уларни чет элда топаётган даромади билан солиштирсак, кўпроқ фойда қилаётганим маълум бўлди. Шу сабабли миграциядаги турмуш ўртоғим ва ўғлим юртга қайтди. Биргаликда фаолиятимизни кенгайтиряпмиз. Қисқа фурсатда хонадонимизда чорвачилик ва паррандачиликдан даромад олишни бошладик. Келгусида балиқчилик билан шуғулланишни мақсад қилганмиз.

ИЖРО

Субсидия ажратилса, иш ўринлари кўпаяди

Камбағалликни қисқартириш ишларини кейинги сифат босқичига олиб чиқиш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилишида олдимизга янги вазифалар қўйилганди. Жумладан, бу ишни фақат пул тарқатиш, нафақа тўлаш билан ҳал қилиб бўлмаслиги, аксинча, камбағал оила аъзоларини ўқитиш, касбга ўргатиш ва иш билан таъминлаш муҳимлиги таъкидланганди.

Маъмуржон МАҲМУДЖОНОВ, Янги Наманган туманидаги “Соҳил” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Ўтган қисқа фурсатда ана шу вазифалар ижроси доирасида “маҳалла еттилиги” ташаббуси ва кўмагида янги корхона фаолиятини йўлга қўйдик. Субсидия асосида 35 та тикув машинаси олиб берилиб, мактаб ўқувчилари учун форма ҳамда махсус кийимлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Аъло барака бренд” масъулияти чекланган жамияти қошида кооперация ташкил этилди. Натижада “Соҳил” маҳалласидаги 35 нафар “Аёллар дафтари”даги хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди.

Маҳалла “драйвери” — ҳунармандчилик. Аҳолининг аксарияти ёғочдан турли хил маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Имкониятига қараб, ўрта ва катта ҳунармандлар тоифаси шаклланган. Ўрганишларда ўрта тоифадаги ҳунармандлар фаолиятини янада кенгайтириш имконияти борлиги аниқланди. Бунинг учун уларга субсидия асосида ускуна олиб берилса, янги иш ўринлари яратилади. Юқоридаги таклифни туман ҳокимлиги мутасаддиларига билдирганмиз.



ТОМОРҚА МАКТАБИ

ҚОВУНЛАРНИ ОМБОРХОНАДА ҚАНДАЙ САҚЛАШ МУМКИН?

Бунинг учун омборхоналарда махсус осувчи мослама ўрнатилиб, қовунлар осиб чиқилади. Кейин стеллаж қаватларига солинган сомоннинг устига бандини пастга қилиб, терилади.



Қишга сақланадиган қовун 2-3 см.ли банди билан пичоқда кесиб олинади. Кўкиш, етилмаган қовунлар сақлашга ярамайди. Чунки улар пишмай қолиб, тез бузилади. Палакдан узиб олингани бир қатор қилиб терилиб, даланинг ўзида 10-15 кун қуёш тафтида ушланади. 4-5 кунда бир ағдариб қўйилади. Шу вақт давомида тегишли физиологик жараён содир бўлиб, сақланиш қобилиятини оширади. Сўнгра омборга ташилади. Бунда машина ёки трактор устига юмшоқ тўшама солиб, устма-уст тахланади.

Қовун сақланадиган омборнинг ҳаво ҳарорати 2, 4 даража, нисбий намлиги 70-80 фоиз бўлиши керак. Намлик бундан ошиб кетса, замбуруғли касалликлар пайдо бўлиши мумкин.

ЛИМОН ДАРАХТИ БАРГЛАРИ НЕГА САРҒАЯДИ?

Биринчи сабаб — ортиқча намлик ёки суғориш. Лимон дарахти сувни яхши ўтказади ва бўш тупроқни хуш кўради. Иссиқхона шароитида суғориладиган сув, аксарият ҳолларда чиқиб кетмайди.

Натижада ортқича сув йиғилиши мумкин. Бу тупроқ намлиги ортишига сабаб бўлади. Намлик юқори бўлса, дарахт ёки ўсимлик илдизи етарлича нафас ололмайди. Физиологик жараён бузилиб, барглар сарғаяди.

Бу салбий ҳолатнинг олдини олиш учун лимон дарахтлари ўстирилаётган тупроқ намлигини назорат қилиш, суғориш жараёнида ортиқча сув туриб қолишига йўл қўймаслик зарур. Бундан ташқари, қиш мавсумида намлик нафақат суғориш, балки иссиқхона ичидаги парланишдан ҳам ортади.

Барг сарғайишига иккинчи сабаб — озуқа етишмаслигидир. Бу энг кўп тарқалган тур ҳисобланади. Лимон дарахти азотни (N) фосфор (P) ва калийдан (K) икки ҳисса ортиқча талаб қилади. Шу боис уни озиқлантиришда озуқаларни 2:1:1 NPK нисбатида бериш тавсия этилади. Яъни азот калий ва фосфордан икки ҳисса кўп берилиши керак.

Лимон дарахтида азот (N) етишмаслиги оқибатида фотосинтез жараёни издан чиқиб, барглар сарғаяди. Дастлаб ёши катта, аста-секин ёш барглларда бу белгилар намоён бўлади. Бунда барг қай ҳолда сарғайишига эътибор бериш лозим. Агар дастлаб ёши катта барглар, сўнг ёш барглар сарғайса, демак бунинг сабаби — азот (N) етишмаслиги.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Ишсизларга имтиёзли кредит бериладими?

Ҳасанбой ДАДАБОЕВ. Ургут тумани:

— Ишсиз сифатида рўйхатга олинганман. “Бизнесга биринчи қадам” дастури асосида тадбиркорлик фаолиятимни бошлаш учун имтиёзли кредит олсам бўладими? Ҳоким ёрдамчиси менга тавсия берадими?



Акмал НАЗАРОВ, Марказий банк департаменти раҳбари:

— Агар ишсиз сифатида рўйхатга олинган бўлсангиз, сизга “Бизнесга биринчи қадам” дастури асосида кредит ажратилмайди. “2024 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш дастури тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, бу турдаги маблағ ўзини ўзи банд қилган шахсларга тадбиркорлик фаолиятини бошлашини рағбатлантириш мақсадида берилади.

Яъни, ижтимоий солиқ тўлаётган ўзини ўзи банд қилган шахслар учун “Бизнесга биринчи қадам” банк карталари орқали 5 миллион сўмгача миқдорда бир йил муддатгача микроқарз тақдим этилади. Бундан аён бўладики, “Бизнесга биринчи қадам” дастури бўйича кредит олиш учун аввал ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтишингиз керак.

Лекин ишсиз мақомига эга ҳолда ҳам имтиёзли кредит олишингиз мумкин. Агар аниқ бизнес режангиз бўлса, сизга ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан гаровсиз 33 миллион сўмгача имтиёзли кредит ажратилади. Бу суммани 3 йилдан 7 йилгача 14 фоизда берилади. Янги тадбиркорлик йўналишида тажрибасиз бўлсангиз, мономарказ ёки ўқув марказда бепул билим олиб, тажрибангизни оширишингиз мумкин.

Танлаган тадбиркорлик фаолиятини бошлашингиз учун сизга зарур бўлган барча асбоб-ускуна ва хизматларнинг асл нархлари бозорда ўрганиб чиқиб, таъминотчи орқали ушбу товарлар (тикув машиналари, пиширик учун махсус печлар, мотокультиватор, мотороллер ва ҳоказо) етказилади, хизматлар (ҳовлингизда иссиқхона, балиқхона қуриб берилади, асалари уялари, товуқларни юқумли касалликдан ҳимоя қилиш учун даволаш ва профилактика ишлари) амалга оширилади.



2018–2022 йилларда давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат боғчаларни ташкил этиш учун ажратилган имтиёзли кредитларни қайтариш муддати 5 ЙИЛГА узайтирилади.



1 ноябрдан 30 ноябргача туризм ойлиги муносабати билан кексалар учун АВИАЧИПТАЛАРГА ЧЕГИРМА эълон қилинди.



Республика педиатрия маркази ISO ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТЛАРИга эга бўлди.

КЎЗГУ

Кредит фоизи камайтирилса, тадбиркор ёшларда қўрқув бўлмасди

Кўпчилик ёшларда кредит олишда қўрқув бор, катта миқдордаги суммани тўлай олмайман, деб ўйлайди. Айрим ҳолларда бунга катталар қаршилик қилади: "Қўй болам, қарз бўлма" ёки "Бу иш қўлингдан келмайди", — дейишади. Шундай ҳолатда тадбиркорликка қизиққан ҳар бир ёш билан индивидуал гаплашаман. Унинг қўлидан иш келиши, буни уддалай олишини айтиб, рағбатлантираман.



Хўжабек САТТОРОВ,
Сардоба туманидаги "Файзлиобод" маҳалласи ёшлар етакчиси.

Биринчи навбатда, ҳали тажрибага эга бўлмаган, илк марта тадбиркорликка қўл ураётган ёшлар ишни 5-10 миллион сўм кредит олишдан бошласа, ортиқча қўрқувга ўрин қолмайди. Норасмий ишга боғланиб қолмай, оз вақтини тадбиркорликка ажратса, бир ойда кундалик даромаддан ташқари, қўшимча фойда ҳам олиш мумкинлигини тушунтириб, ёшларни тадбиркорликка йўналтираман. Йил бошида ўтказилган хатловдан кейин ҳар бир ёшнинг хоҳиш-истагидан келиб чиқиб, тадбиркорлик йўналишида кўмак кўрсатилди. Имконияти чекланган қизларга субсидия асосида тикув машинаси олиб бердик.

Маҳалламиздаги шундай қизлардан бири — Маҳлиё Омонова шу ерлик тадбиркордан ижарага ер олиб, унинг тикув машиналаридан фойдаланган ҳолда, кунлик даромад топаётган эди. Бу ҳолатни яхшилаб ўрганиб, унга тикув машинаси олиб бердик. Иккита шогирди билан аёллар кийимини тикади. Яна бир қизимиз гўзаллик салонида шогирд сифатида иш бошлаган. Яқинда бизга мурожаат қилиб, ўзи алоҳида иш бошламоқчи эканини билдирди. Устозининг хонасида яна битта бурчак ташкил этдик. Гўзаллик салонига керакли буюмларни олиш учун унга 8 миллион сўм имтиёзли кредит олиб берилди. Ҳозирда ўзининг кунлик даромадига эга.

Муаммоли ёшларимиздан бир нафар 2-гуруҳ ногиронлиги бор қизимиз ҳар доим эътиборимиз марказида туради. Боқувчисини йўқотган, онаси билан оғир шароитда кун кечирар эди. Ўтган йили субсидия асосида тикув машинасини олиб бердик. У тиккан буюмларни сотувчиларга топширдик. Бундан ташқари, гул ясаш санъатини мукаммал эгаллаши учун устоз бириктирдик. "Сирдарё тажрибаси" асосида вилоят ҳокими ташаббуси билан ногиронлар учун ташкил этилган кимошди савдосида қизимиз ўз қўли билан тайёрлаган гуллари, каштаси, тўқилган буюмлари билан иштирок этди. Қувонарлиси, бошланғич нархи 80 минг сўм этиб белгиланган қўл меҳнати намунаси аукционда 1,5 миллион сўмгача бўлган нархда сотиб олинди. Шу йўсинда уларнинг ҳаётга бўлган қизиқишини уйғотдик.

Баъзан хулқида муаммоси мавжуд ёшлар билан ишлашда ноодатий йўл тутишга тўғри келади. У билан шуғулланишда унинг тилида суҳбатлашаман. Ортиқча насиҳат қилмайман. Ўзимни у каби кўрсатиб, дўстлашаман. Вақт ўтиши билан унга: "Бу иш ёмон бўлади, бундай қилсанг, эски ўртоқларингга қўшиласан", — деб тўғри йўл кўрсатаман.

Яқинда мактаб ўқувчиси устидан кўп дарс қолдиргани учун ўқитувчи шикоят қилди. Боланинг, аввало, оилавий шароитини ўргандим. Сўнгра билдимки, отасининг соғлиги билан боғлиқ муаммо бор. Рўзғор ташвиши билан бўлиб, она ҳам болани қаровсиз қолдирган. Бир неча кунлаб дарсга бормай, онасига ёрдам бериш мақсадида ҳеч кимга билдирмай ишлаб юрган. Шу орада бола жиззаки бўлиб қолган. Ота-она унинг феъл-атвори ўзгариб қолганидан хавотирда эди. Бундан хабар топгач, уни анча вақт ёнимга олиб юрдим. Унга ишлаш айб эмаслиги, аммо иш дарсга ҳалал бермаслиги кераклигини уқтириб, дарсдан ташқари оиласига кўмаклашиши учун ўзига муносиб ишга жойлаб қўйдик.

Битирувчи ёшлар билан улар мактабни тамомламасдан суҳбат ўтказаман. Мактабни тугатгач, нима қилмоқчи эканини сўрайман, қизиқишини ўрганаман. Бири ота касби қассоблик, новвойликни давом эттиришини айтади. Бунга қаршилик қилмайман. Чунки "ҳунарли эр — хор бўлмас", деганидек, ишонаманки, улар келажакда оилаларига даромад келтиради. Бироқ чет давлатларга кетиш ниятида бўлганлар билан алоҳида суҳбатлашаман. Ўқишга қизиқадиган ёшларни тўгаракларга жалб этаман. Ёки қўлидан қандай иш келишини аниқлаб, маҳалла "драйвери" бўйича кичик тадбиркорлик ташкил қилишига ёрдам бераман.

Ёшларга берилаётган имтиёзли кредитлар уларнинг кичик тадбиркорлигини бошлашда яхши самара бермоқда. Бироқ улар ушбу кредитни тўлашга қийналяпти. Шунинг учун кўпчилиги биринчи бор тадбиркорликка қўл уришдан чўчийди. Шу боис кредит фоизини камайтириш таклифини бермоқчиман.



Норасмий ишга боғланиб қолмай, оз вақтини тадбиркорликка ажратса, бир ойда кундалик даромаддан ташқари, қўшимча фойда ҳам олиш мумкинлигини тушунтириб, ёшларни тадбиркорликка йўналтираман.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Асқар ЙЎЛДОШЕВ.
Чуст тумани.

— Ёшим 27 да, почта ташкилотида хат ташувчи (курьер) сифатида ишламоқчи эдим. Улар моддий жавобгарлик тўғрисида мен билан шартнома тузиш кераклигини айтишди. Шартномани рад этганим сабабли мени ишга қабул қилишмади. Айтингчи, хат ташувчиликка моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилиши қанчалик тўғри? Бу вазиятда иш берувчининг ҳаракати қонунийми?

ПОЧТАЧИ БИЛАН МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИК ШАРТНОМАСИ ТУЗИЛАДИ

Шерзодбек ТОЛИБОВ,
ҳуқуқшунос:

— Меҳнат кодексининг 119-120-моддаларида ишга қабул қилишни қонунга хилоф равишда рад этишга йўл қўйилмаслиги ва қонунга хилоф равишда рад этишнинг ҳуқуқий оқибатлари белгиланган. Бироқ сизнинг вазиятингизда иш берувчининг талаби тўғри, яъни қонунчилик талаби шундай. Кодекснинг 343-моддаси 3-қисмида агар ходим талабгор бўлган иш (лавозим) тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузишни талаб қилса, ходим бундай шартномани тузишга рози бўлмаса, иш берувчи уни ишга қабул қилишни рад этишга ҳақли экани белгиланган.

Қолаверса, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг тегишли буйруғи билан тасдиқланган Тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ўзи билан ёзма шартномалар тузилиши мумкин бўлган ходимлар эгаллайдиган лавозимлар ва ишларнинг намунавий низомининг 175-бандида "курьер" лавозими учун моддий жавобгарлик шартномаси тузилиши назарда тутилган.

Бундан ташқари, Меҳнат кодексининг 343-моддаси талабидан келиб чиқиб, иш берувчи тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ўзи билан шартнома тузиладиган ходимларнинг тоифалари рўйхатини жамоа шартномасида, агар жамоа шартномаси тузилмаган бўлса, касаба уюшмаси қўмитаси билан келишувга биноан белгилаб олиши мумкин.

Хулоса шуки, юқоридаги норма талабларидан келиб чиқиб, иш берувчи қонунни бузмаган. Агарда ташкилот жамоа шартномасида ҳам курьер (хат ташувчи) билан шундай шартнома тузиш назарда тутилган бўлса, буни тузмасдан туриб ишга кириб бўлмайди ва ишга киришдан аввал, улар билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Дилдора ЮСУПОВА.
Шофиркон тумани.

— Мен бола парваришлаш таътилига чиққан аёлнинг ўрнига ишга кирган эдим. Таътилдаги аёл ишга қайтди. Мен эса ҳомиладорман, бу ҳолатда нима бўлади? Менга ҳам ҳомиладорлик ва туғиш таътили, шунингдек, нафақа бериладими?

ЎРИНДОШ ХОДИМГА ТУҒУРУҚ НАФАҚАСИ БЕРИЛАДИМИ?

Актам ЁҚУБОВ,
ҳуқуқшунос:

— Сиз билан меҳнат шартномаси муддати тузилган. Яъни асосий ходим бола парваришлаш таътилидан чиққунга қадар, Меҳнат кодексининг 112-моддаси 1-қисми 2-хатбошиси бўйича *"...меҳнат шартномасига мувофиқ иш жойи ўзида сақланиб қоладиган, йўқ бўлган ходимнинг мажбуриятларини бажариш вақти учун"* тузилган.

Меҳнат кодексининг 158-моддаси 1-қисмига кўра, муддатли меҳнат шартномаси унинг амал қилиш муддати тугаши билан бекор қилинади. Якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ушбу асос бўйича тугатишга қарор қилган тараф бошқа тарафни меҳнат шартномаси бекор қилингунига қадар камида 3 кун олдин ёзма шаклда огоҳлантириши керак, бундан иш жойи (лавозими) сақланаётган ходим йўқ бўлган даврга тузилган муддатли меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати тугайдиган ҳоллар мустасно. Яъни огоҳлантириш қўлланилмайди ҳамда таътилдаги ходим ишга қайтган кундан эътиборан бекор қилинади.

Сизга ҳам ҳомиладорлик ва туғиш таътили, шунингдек, нафақаси берилади. Кодекснинг 404-моддасига кўра, аёлга туғруққача 70 кун ҳамда туғруқдан кейин 56 кун (туғиш қийин кечган ёхуд икки ёки ундан ортиқ бола туғилган тақдирда 70 календарь кун) ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилиб, қонунчиликда белгиланган, лекин ўртача ойлик иш ҳақининг етмиш беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда нафақа тўланади.

Сиз билан боғлиқ ҳолатда кодекснинг 408-моддасига кўра, ҳомиладор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга йўл қўйилмайди. Лекин муддатли меҳнат шартномаси, бу — иш берувчининг ташаббуси эмас. Сиз ҳомиладорлик ҳолатини тасдиқловчи тиббий маълумотнома тақдим этсангиз, иш берувчи меҳнат шартномасини амал қилиш муддатини ҳомиладорлик тугагунига қадар узайтириб, соғлиғингиз ҳолатини инобатга олган ҳолда, сизга бажара оладиган бошқа иш таклиф этиши мумкин. Агар бундай иш бўлмаса, шартнома бекор қилинади, лекин ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини олиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Демак, ҳар икки ҳолатда сиз билан меҳнат шартномаси бекор қилинади, фақатгина нафақа тўлаб берилади.

МАНЗАРА

Иқтидор ўз йўлини топмоқ учун рағбат беринг, руҳан қўлланг!

...Профилактика инспектори билан тунда кетаётиб, бир болани йўл четида маст ҳолатда учратдик. Ҳали мактаб ёшидаги ўсмир экани шундоққина аён эди. Уни уйига кузатиб қўйдик. Ҳолат нега бу даражага келганини ота-онаси билан гаплашиб, аниқлик киритдим. Йигитнинг отаси ўтай экан...

Ойбек ТЕМИРОВ,
Шеробод туманидаги "Боғиобод"маҳалласи ёшлар етакчиси.

Ота унга ҳар куни ўгай фарзанд эканини айтиб, "Сен барибир одам бўлмайсан", — деб руҳан тазйиқ ўтказар экан. Болани туман наркология бўлимида даволатдик. Психолог жалб этиб, унинг спиртли ичимликдан бутунлай фориғ бўлишига кўмаклашдик. Ўгай отаси билан алоҳида суҳбатлашиб, боланинг руҳиятига таъсир этмаслигини айтиб, танбеҳ бердик. У ҳам узр сўраб, бу ҳолат бошқа такрорланмаслигига ваъда берди.

Ёшлар етакчиси ташаббускор бўлиши керак. Ҳудуд йигит-қизларининг истакларини инобатга олиб, йиғинимизда турли йўналишларда ўқув маркази очдик. Унинг ташкил этилишига давлат томонидан 100 миллион сўм маблағ ажратилди. Ўқув марказида, айниқса, инглиз тили ва IT соҳаларига талаб катта. Йўналишларга қараб билимли устозлар жалб этилган. Бироқ IT соҳасини ўргатувчи мутахассис топиш бироз қийинчилик туғдиряпти. Маҳалламиз чекка ҳудудда жойлашгани сабаб соҳа вакилларини жалб этиш мушкул бўляпти. Бироқ шундай бўлса-да, туман масъуллари бу муаммога, албатта, ечим топишни айтиб, кўнглимизни хотиржам қилди.

Жорий йилда 50 нафар ёшга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, кенгайтириш учун имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам кўрсатдик. Хусусан, Ҳусниддин Мардоновга кўрсатилган ёрдам эвазига у 5 миллион сўм имтиёзли кредит асосида ғишт ишлаб чиқариш корхонасини очди. Ҳозир ўзи билан бир қаторда 4 нафар ёшни иш билан банд қилган. Ҳар мавсумдаги даромади ўртача 30 миллион сўмни ташкил этади. Яна бир маҳалладошимиз молиявий жиҳатдан қийналганини айтиб, кўмак сўради.



Ҳар йили январь ойида хатловга олинган ёшларнинг, ҳар ойда оғир тоифадагиларнинг уйига бирма-бир кириб хабар оламан.

Йил бошидаги хатловда аниқланишича, унинг ота-онаси ишсиз, ўзининг сартарошликдан хабари бор, аммо сартарошхона очиш учун имконияти йўқ. Унга 18 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратиб, барча жиҳозлари билан бирга сартарошхона очиб бердик. Ҳозир оиласи дастурхонига барака киритяпти.

Иш фаолиятимда бир мезонни ўзим учун белгилаб олганман: ҳар йили январь ойида хатловга олинган ёшларнинг, ҳар ойда оғир тоифадагиларнинг уйига бирма-бир кириб хабар оламан. Ўзимнинг тадбиркорликдан хабарим бўлгани сабабли ёшларга бу соҳадан керакли тавсиялар бериб, уларни қишлоқ хўжалигига ёки бирор кичик тадбиркорликка йўналтираман.

Ҳали деҳқончиликда нўноқ бўлган ёшларни қишлоқ хўжалиги мутахассисларига бириктириб, ер билан ишлашда, керакли билимларни эгаллашда кўмаклашамиз.

Жумладан, Фарруҳ Бекмуродов ишсизлик сабаб нима қилишни, қандай даромад топишни билмай, мендан маслаҳат сўради. Томорқадан унумли фойдаланиши кераклигини тушунтириб, ҳовлисида ихчам иссиқхона очишда кўмаклашдим. Ҳозир у ерда помидор, бодринг экиб, бир йилда 40 миллион сўмгача фойда кўряпти.

Маҳалла марказида тадбиркорга қарашли маданият маркази биноси жойлашган. Суриштирсак, маданият бўлими ходимлари бинонинг давлатга қарашли эканини айтди. Ҳозирда мажмуа қайси томонга тегишли экани ноаниқ. Анча вақтдан буён ундан маълум мақсадда фойдаланилмаган. Таклифим: ушбу икки қаватли бинода ёшлар учун цехлар ташкил этиб, уларга иш ўринлари яратсак. Биринчи қаватида тикув цехи очилиб, қизларимизга топширилса, яна бир қаватини пиширик цехи қилсак, ёшлар бундан хурсанд бўларди.



Тошкент халқаро аэропортида қиймати 600 МЛН. СЎМЛИК тилла заргарлик буюмлари ушлаб қолинди.



Ўтган икки ойда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган 34 НАФАР БОЛА Ўзбекистонга қайтарилди.



Ўзбекистонда 2024 йилнинг I ярмида 3 837 НАФАР ШАХС коррупцион жинояти учун судлар томонидан жиноий жавобгарликка тортилган.

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

Тадбиркорлик ва томорқа хизматида тушум ва даромадлар ортяпти



“Маҳаллабай” ишлаш тизими аҳолига тадбиркорлик билан шуғулланиш, қонуний фаолият юритиб, ўзи ва оиласини даромадли қилиш имкониятини беряпти. Биз, солиқ инспекторлари нафақат ҳудуд бўйича солиқ тушумларини ошириш билан, балки ана шу ниятдаги фуқаролар ва тадбиркорлар муаммоларини аниқлаб, уларга кўмаклашяпмиз.

Лутфулла ХОЛДОРОВ,
Хонобод шаҳридаги “Юксалиш” ва Алишер Навоий номидаги маҳалла солиқ инспектори.

“Хонадонбай”, “маҳаллабай”, “корхонабай” ишлаш орқали аҳоли ва тадбиркорлар билан доимий мулоқотда бўлиб, уларга солиқ қонунчилигининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтирдик. Албатта, дастлабки фаолиятимизда ўзига яраша қийинчиликлар бўлди. Ҳар бир солиқ тўловчи хонадонида бўлиб, улар билан мулоқотда бўлдик. Ҳудудни тўлиқ ўргандик. Айниқса, қарздор фуқаролар манзилини топиш анча қийинчилик туғдирди.

Саъй-ҳаракатларимиз натижасида ўтган 10 ой давомида солиқ тушумлари 1 млрд. 344 млн. сўмни ташкил этди. Тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси ортди. Йил охирига қадар 5 млрд. 216 млн. сўмдан 6 млрд. 285 млн. сўмга кўтариб, 120 фоиз кўрсаткичга эришиш ниятидамиз.

Бугунги кунда “Юксалиш” маҳалласида тадбиркорлик, Алишер Навоий номидаги маҳаллада эса томорқа хизмати яхши ривожланмоқда. Натижада ишсизлар сони камайиб, аҳоли фаровонлиги яхшиланмоқда. Фуқароларнинг аксарияти ҳудудимиздаги “Muxlis Textil” ҳамда “Олтин водий текстиль” корхоналарида, шунингдек, қўшни маҳалладаги “Андижонкабель” ҳамда “Uz Kodje” қўшма корхоналарида меҳнат қилмоқда.

Қувонарлиси, эндиликда аҳолининг мол-мулк ва ер солиғидан тушадиган солиқ тушумларнинг 10 фоизи “маҳалла бюджети”да қолади. Насиб, йил охирида 59 млн. сўмдан ортиқ маблағ маҳалла ихтиёрида қолади. Ушбу маблағлар маҳаллада янги иш ўрни яратадиган, аҳолининг оғирини енгил қиладиган лойиҳаларга йўналтирилади.

Ҳозирда ҳар икки маҳаллада 29 та юридик шахс, 24 нафар якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. 1 047 та мол-мулк ва ер солиғи тўловчи жисмоний шахс бор. 8 та ишламай турган тадбиркорлик субъекти фаолияти тикланди. 15 нафар фуқаронинг фаолияти қонунийлаштириш орқали тадбиркорлик субъекти сифатида янгидан рўйхатдан ўтказилди. 14 та корхонада 8 нафар ишчи фаолияти қонунийлаштирилди. 644 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида бандлиги таъминланди.

Бугун солиқ ислоҳотларининг амалий натижасини ҳар бир фуқаро, тадбиркор кундалик ҳаётида сезиш шарт. Шу боис солиқ тўловчиларга яратилаётган қулайликларни кенг тарғиб этяпмиз. Айниқса, солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар ҳамда my.soliq.uz порталида яратилган имкониятлардан фойдаланиш қоидаларини тушунтиряпмиз. Чунки аҳоли ва тадбиркорлар ушбу электрон тизимлардан фойдаланишни яхши ўзлаштиришса, ортиқча сарсонгарчиликка ўрин қолмайди. Шунингдек, ёрдам сўраб келаётган ҳар бир фуқаронинг мурожаатини эшитиб, уларга солиқ соҳасида зарур маслаҳатлар беряпмиз. Жойида ҳал этиладиган муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриб, шаҳарда ҳал этиладиган муаммоларни сектор штабига тақдим этиш бўйича маҳалла раисига таклифлар киритиб боряпмиз.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир маҳалладаги солиқ инспектори “маҳалла еттилиги”нинг иқтисодий таянчи бўлиб, ҳудуднинг “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб, солиқ тушумларини кўпайтириш йўлларини излаяпти. Бунинг учун, аввало, маҳалладаги тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштириб, ўзини ўзи банд қилганларга кичик бизнес тоифасига ўтишга кўмаклашяпмиз.

ХАБАРДОРМИСИЗ?

ИЖТИМОИЙ СОЛИҚ МИҚДОРИ ЎЗГАРДИ

Президентнинг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан тўртинчи очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, 2028 йил 1 январга қадар туроператорлик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи тадбиркорларга ҚҚСнинг 20 фоизини қайтариш тизими жорий этилади.

Суҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Солиқ қўмитаси бош инспектори.

2027 йил 1 октябрга қадар Фонд маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган давлат грантлари ва давлат ижтимоий буюртмалари лойиҳалари доирасида тўланадиган қуйидаги солиқ турлари бўйича белгиланган **солиқ ставкалари 50 фоизга камайтирилади:**

– лойиҳага меҳнат ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалари асосида жалб қилинган мутахассисларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида олган даромадларидан тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган **даромад солиғи;**

– нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан меҳнатга ҳақ тўлашга доир харажатлари бўйича тўланадиган **ижтимоий солиқ.**



Шунингдек, **1 октябрдан якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилганлар учун ижтимоий солиқ миқдори ўзгарди.** Ушбу ойдан бошлаб **ижтимоий солиқ қуйидаги миқдорларда тўланади:**

– якка тартибдаги тадбиркорлар (ЯТТ) – ойига 375 000 сўм;

– савдо мажмуалари ва бозорларда фаолият юритувчи ЯТТларнинг ёлланма ходимлари учун – ойига 187 500 сўм;

– бошқа ЯТТларнинг ёлланма ходимлари учун – йилига 375 000 сўм;

оилавий тадбиркорлар (юридик шахс ташкил этмаган):

– ЯТТ сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзоси – ойига 375 000 сўм;

– оиланинг бошқа аъзолари (18 ёшга тўлмаганлар бундан мустасно) – ойига 187 500 сўм;

– ўзини ўзи банд қилган шахслар **1 декабрга қадар** ихтиёрий асосда – йилига 375 000 сўм.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

САМАРАСИЗ БОҒ ВА ТОКЗОРЛАР УЧУН ЕР СОЛИҒИ ОШИРИЛАДИ

Президентнинг “Республикада агросаноат соҳасига янги бозор механизмларини жорий этиш ҳамда саноатлашган боғ ва токзорларни барпо қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Ҳужжатга мувофиқ, **2025 йил 1 январдан** Махсус комиссиялар томонидан яроқсиз ва иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосилли деб топилган боғ ва токзорлар эгаллаган майдонлар учун ер солиғи, агар шундай хулоса чиқарилган кундан эътиборан 12 ой мобайнида уларнинг ўрнида янги боғ ёки токзор ташкил этилмаса, 3 баравар оширилади.

Шунингдек, Агросаноатни ривожлантириш агентлиги ва Солиқ қўмитасининг тегишли ахборот тизимлари интеграция қилинади. **Солиқ қўмитасига иқтисодий самарасиз ва кам ҳосилли боғ ва токзорлар тўғрисидаги маълумотлар мунтазам равишда юборилади.**

Янги боғлар барпо этиш учун пайвандтагли мевали кўчатлар ва пайвандтаглар, пайвандустлари, оналик материаллари ва техникаларини хорижий давлатлардан (қўшни давлатлардан ташқари) олиб кирилаётганда ташаббускорлар ҚҚСдан озод этилади.


Ушбу тартиб Солиқ кодексига тегишли ўзгартиришлар киритилгандан сўнг амалиётга жорий этилади.

Исматулло СЕВИНЧОВ,
Солиқ қўмитаси бош инспектори.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Солиқларни ўз вақтида тўланг, акс ҳолда...

Тегишли қонунчиликда жисмоний шахслар мол-мулк ва ер солиқларини тенг улушларда тўлаш ҳуқуқига эга. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, фуқаролар кўзда тутилган тўловларнинг бир қисмини 15 апрелгача, қолган 50 фоизини эса 15 октябрь санасигача амалга оширишлари шарт.



Баҳодир ФАЙЗИЕВ,
Бухоро вилояти солиқ бошқармаси Матбуот хизмати раҳбари.

Бу қоидага амал қилиш, табиийки, юртдошларимизнинг қонунга итоаткорлик туйғусига, ҳуқуқий билим ва дунёқарашига боғлиқ. Маҳаллада жамоатчилик кучига таянган ҳолда иш олиб бораётган солиқ инспекторлари эътиборни айни шу жиҳатга ҳам қаратишяпти.

Бугунги кунда Бухоро вилоятида 443 962 нафар мол-мулк солиғи ҳамда 392 153 нафар ер солиғи тўловчи жисмоний шахс рўйхатга олинган. Жорий йилнинг ўтган даврида уларнинг 242 минг нафари охирги муддатни кутмасдан 264 миллиард сўмлик тўловларни тўлиқ амалга оширишган. Аввалги йиллардагига нисбатан ижобий ўзгариш бор. Лекин унутмаслик керакки, соҳа қонунчилигига риоя қилмаган ҳолатларда тўланмаган солиқ суммасига **ҳар бир кечиктирилган кун учун пеня ҳисобланиб, қарздорлик суд тартибида мажбурий ундирувга қаратилади.**

Таҳлилларга кўра, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят миқёсида 22 787 нафар жисмоний шахс 48,7 миллиард сўмлик мол-мулк ва ер солиқларини ўз вақтида амалга оширмаган. Шу сабаб, қарздорликни ундириш мақсадида Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларга даъво ариза (ариза) киритилган.

Солиқларнинг тури кўп. Жумладан, жисмоний шахслар томонидан мол-мулк ва ер солиқларидан тушадиган маблағлар маҳаллий бюджетни тўлдириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уй-жой, коммунал хўжалик объектларини таъмирлаш ва аҳоли пунктларни ободонлаштириш учун, давлатнинг кучли ижтимоий-сиёсий тадбирларни амалга оширишга, пенсионерлар, талабалар, кўп болали оналар ва бошқаларни маблағ билан таъминлаш, айрим чекланган товарлар баҳосидаги фарқни бюджет ҳисобидан қоплашга сарфланади.

Шу ўринда, мол-мулк ва ер солиғи бўйича ундирилган маблағларнинг 10 фоизи “Маҳалла бюджети” жамғармасида қолишини таъкидлаш жоиз. Бу сармоя солиқ тўловчилар яшайдиган маҳалла эҳтиёжларининг бир қисмини таъминлашга йўналтирилади.

Шундай экан, ҳар бир фуқаро мол-мулк ва ер солиғи тўловига ижтимоий дахлдорлик нуқтаи назаридан ёндашмоғи зарур. Солиқ қарздорлигини суд томонидан ундириш юзасидан чақирув келмасдан илгари, ҳатто уйдан туриб, уяли телефондаги “Солиқ” иловаси орқали тўловни амалга оширинг!

МЕНДА САВОЛ БОР...

МАЪМУРИЙ ЖАРИМА ҚЎЛЛАНСА НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Боймурод НОСИРОВ.
Тошкент вилояти.

– Жорий йилнинг апрель ойидан бери ташкилот раҳбари эмасман. Лекин июнь ойи солиқ ҳисоботларини топширмаганлик учун менга маъмурий жарима қўлланилган. Нима қилса бўлади?

Умиджон БОБОМУРОДОВ,
Солиқ қўмитаси давлат солиқ бош инспектори:

– Агар ташкилотда раҳбар ўзгарса, у ҳолда ташкилот томонидан раҳбар ўзгарган кундан бошлаб, 10 календарь кунидан кечиктирмай солиқ органига илгари тақдим этилган маълумотларни ўзгартириш тўғрисида ариза берилиши лозим. Ушбу маълумотлар асосида солиқ органлари 3 иш кунида солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотларига тегишли ўзгартиришлар киритади.

Сиз илгари ишлаган ташкилот солиқ органларига фақат июль ойида бундай ариза топширган. Шунинг учун шу вақтга қадар Сиз ушбу ташкилот раҳбари сифатида рўйхатга олингансиз ва солиқ ҳисоботлари кечиктирганлиги сабабли сизга жарима қўлланилган. Маъмурий ҳуқуқбузарлик иши бўйича қарор юзасидан суд орқали шикоят қилиниши мумкин.

Эслатиб ўтамиз: 1 октябрдан БҲМ (375 000 сўм) га киритилган ўзгартиришлар муносабати билан жарималар қуйидаги миқдорларда ҳисобланади:

Солиқ ҳисоботларини кечиктирилганлик учун:

– якка тартибдаги тадбиркорга БҲМнинг 3 баравари – (3 х 375 000 сўм = 1 125 000 сўм);

– юридик шахс раҳбарига БҲМнинг 10 баравари – (10 х 375 000 сўм = 3 750 000 сўм);

солиқларни ўз вақтида тўламаганлик учун:

– БҲМнинг 5 баравари (5 х 375 000 сўм = 1 875 000 сўм).



8 ойда 37 мингга яқин фуқарога жами 9,9 триллион сўм ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ ажратилган.



Тошкентда Креатив иқтисодиёт бўйича IV БУТУНЖАҲОН КОНФЕРЕНЦИЯСИ бўлиб ўтди.



“Зомин тоғлари” ЮНЕСКО Бутунжаҳон миллий табиий мероси РЎЙХАТИГА тақдим этилди.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

“Яшил” тоифа учун манзилли ва мақсадли ишладик”



Туман марказидан 35-40 километр олисда жойлашган “Навбаҳор” маҳалласида тўрт мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ҳудуд аҳолиси, асосан, деҳқончилик ва тадбиркорлик билан банд. Йирик ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий объектлар йўқ. Фақат битта мактаб, тўртта оилавий боғча бор, холос.

Асадбек АТАВУЛЛАЕВ,
Элликқалъа туманидаги “Навбаҳор” маҳалласи профилактика инспектори.

Сўнгги йилларда юртимизда энг қуйи бўғиндаги вазият ва муаммоларни чуқур ўрганиш асосида ҳар қайси маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ислоҳотлар самараси ўлароқ, маҳаллаларда жиноятчилик жиловланяпти, одамларнинг тинч-тотув яшаши учун муносиб шароитлар яратилмоқда.

Шу билан бирга, маҳаллани жиноятдан холи ҳудуд сифатида ушлаб туриш машаққатли меҳнатни талаб этади. Агар ҳудудингизда бирор жиноятчилик қайд этилса борми, ойлаб ишлаган меҳнатингиз бекор кетади. Шукрки, икки йилдан буён жиноятдан холи ҳудуд – “яшил” тоифадамиз.

Албатта, бу натижа ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Биринчи навбатда, фуқаролар билан доимий мулоқотда бўлиб, жиноятчиликка мойиллиги бор ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан манзилли ишладик. Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини, уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаб, бартараф этиш чораларини кўрдик. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб, жиноятнинг салбий оқибатларини амалий мисоллар ёрдамида тушунтирдик.

Дарҳақиқат, бугун республиканинг барча ҳудудларида жиноятчиликни “маҳаллабай” жиловлаш, аҳолининг кунлик ижтимоий-маиший муаммоларини “хонадонбай” ва “фуқаробай” ҳал этиш бўйича янгича ишлаш тизими яратилган. Шу боис навбаҳорлик оилаларнинг ҳар биридан хабардор бўлиб, ким нима билан машғул – ҳаммасини ўрганиб боряпман. Бу жараёнда “маҳалла еттилиги” аъзолари энг яқин кўмакчимга айланган.

Биласиз, жиноятчиликнинг асл илдизи бекорчиликдан келиб чиқади. Шу боис “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда ишсиз аҳолини, айниқса, ёшларни мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб ишли қилишга ҳаракат қиляпмиз. Бироқ йиғинда вояга етмаган ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга етарли шароитлар йўқ. Шу боис ўқувчиларнинг ўзи қизиққан бирор касб-ҳунар, спорт ёки санъат билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилиши лозим. Шунда улар онгида турли бузғунчи ғояларга жой қолмайди, жамиятимизнинг ижтимоий фаол аъзосига айланади.

Ҳозир “маҳалла еттилиги” аъзолари эскироқ бинода фаолият юритяпти. Агар меҳнатга муносиб зарур шароитлар яратиб берилса, иш самарадорлигимиз янада ортарди. Бу, ўз навбатида, маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлашида ўзининг ижобий натижаларини кўрсатади.

Бугунги тезкор замонда изланиш ва интилишдан тўхтамаслик керак. Шу боис аҳолини замонавий таҳдидлардан мунтазам огоҳлантириб, жиноятчиликка мойиллиги бор фуқаролар билан тизимли ишлаяпман. “Навбаҳор” маҳалласининг жиноятдан холи ҳудуд бўлишига, айнан шу икки омил сабаб бўлмоқда.

СУД ҲУКМИ

ЁМОН МУҲАНДИС БЎЛГАНДАН ЯХШИ ИШЧИ БЎЛГАН АФЗАЛ

Пул ҳаммага керак. Уни топиш йўлида кимлардир эртаю кеч тер тўкади. Кимлардир онаси, ота-онаси, туғилган юртини ташлаб, бегона ўлкаларда турли шароитларда яшайди. Бугун сўзламоқчи бўлган воқеамиз “қаҳрамони” Дилмуродга ўхшаганлар эса текин даромад орттиришни хомхаёл қилиб, бу йўлда турфа найрангларга ўйлаб топишдан ҳузур қилишади.

Дилмурод олий маълумотли, оилали, илгари судланмаган. Ҳаётга эзгу умидлар, гўзал ниятлар билан қадам қўйиш ўрнига ўйлаб топган ҳийласи кишини ўйлантиради.

2022 йилнинг май ойида Дилмурод курсдоши – бир дастурхондан нон еб, бир пиёлада чой ичган Нодирни учратиб қолди. У корхонада ўзи танлаган касби бўйича ишлаётган экан. Дилмуроднинг ғайирлиги келдими ёки дипломи, касби бўла туриб, бекорчи юрганидан ҳижолат тортибми, ўзини тадбиркорман деб таништирди. Ўз ёлғонига ўзи ҳам ишониб қолдими ёки режаси олдиндан пишитилганмиди, қўярда-қўймай уни шерикчиликка ундади.

Аввалига Нодир кўнмади. Бироқ олинадиган фойдадан фалон фоиз улуш тегишини ҳисоблаб – пулнинг ҳеч қачон ортиқчаси бўлмайди, деб курсдоши уни алдамаслигига ишониб, рози бўлди.



Шундай қилиб Нодир тадбиркор дўстига 10 000 АҚШ долларини бериб, кейинги ойдан келадиган улушини кута бошлади. Бироқ Дилмурод ҳозирда ишлари юришмаётганлиги: келаси… келаси… келаси… ойда, албатта, юришиб кетишини айтиб ортга сураверди.

Нодир ички ишлар идораларига мурожаат қилишини айтиб писанда қилганида ўзига тегишли хонадонни унга сотишини, олинган 10 000 АҚШ долларини бошланғич тўлов сифатида қабул қилишини, хонадон ҳужжатлаштириб берилгач, Нодир унга қўшимча 20 000 АҚШ долларини беришини таклиф қилди. Пулини ололмаслигига кўзи етган Нодир унинг бу найрангига ҳам лаққа тушди. Уйни расмийлаштириш ҳам келаси… келаси… келаси… ойларга қолдирилаверилгач, барибир нажот ички ишлар идораларидан келишига кўзи етиб, уларга мурожаат қилди.

Тергов жараёнида Дилмурод олийгоҳда шунчаки диплом учун ўқигани, бу касбга умуман қизиқмаслиги, аслида оддий ошпаз бўлишни орзу қилганини, дипломли бўлгач эса ошпаз бўлиб ишлашга уялганини айтганида, иқтидорли, бироқ иродаси суст, ўзгалар фикри таъсирига тез берилувчанлиги учун унга ачиндим. Инсон, аввало, ўз юрагига қулоқ солиши керак. Ёмон муҳандис бўлгандан кўра, яхши ишчи бўлган афзал эмасми? Қолаверса, ўзинг севган машғулотинг билан шуғулланганг бу сенга завқ ва ҳаётингга мазмун бағишлайди.

Жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди 1980 йилда туғилган Дилмуродни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан (“Фирибгарлик”) айбдор, деб топди. Айбдорнинг қилмишидан пушаймонлиги, жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, муқаддам судланмаганлигини инобатга олиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йилу 6 ойга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилди.

Жаҳонгир УМАРХЎЖАЕВ,
Миробод тумани
ИИО ФМБ ҳузуридаги
Тергов бўлими терговчиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

КИМЛАР МЕРОСДАН МАЖБУРИЙ УЛУШ ОЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА?

Солиҳа ТЎХТАЕВА.
Фарғона вилояти.

– Қонунчиликка кўра, кимлар васиятноманинг мазмунидан қатъи назар мерос (мажбурий улуш) олиш ҳуқуқига эга?



Азизбек ТУРДИАЛИЕВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро суди судьяси:

– Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 1142-моддасида меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқи белгиланган. Ушбу моддага кўра, мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан, фарзандликка олган болалари, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан уни фарзандликка олганлар васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар.

Мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр бирон-бир асос бўйича меросдан оладиган ҳамма нарса, шу жумладан, оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюмларидан иборат мол-мулкнинг қиймати ҳам, бундай меросхўр фойдасига қилинган васият мажбуриятининг қиймати ҳам мажбурий улушга қўшилади.

Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр учун васиятномада белгиланган ҳар қандай чеклашлар ва шартлар унга тегадиган мероснинг мажбурий улушдан ортиқча қисмига нисбатангина ҳақиқийдир.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

Тазйиқдан жабр кўрганга қандай кўмак кўрсатилади?

Президентнинг 2024 йил 10 майдаги “Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга “оила – маҳалла – туман ва ҳудуд” тамойили асосида комплекс ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими жорий этилди.

Мақсадбек ҚЎЧҚОРОВ.

Шунингдек, 1 июндан бошлаб, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган ёки жабрланиш хавфи остида бўлган хотин-қизларга ҳимоя ордери талаб этмаган ҳолда **ижтимоий, психологик ва юридик хизматлар кўрсатиляпти.** Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолати ички ишлар органлари навбатчилик қисмининг **“102” телефон рақамларига келиб тушган мурожаатлар асосида рўйхатга олинмоқда.**

Тазйиқ ва зўравонлик ҳолати ёки уларни содир этиш хавфи аниқланган пайтдан эътиборан **24 соат ичида қуйидагилар амалга ошириляпти:**

– хотин-қизлар фаоли ва маҳалладаги профилактика инспектори иштирокида тазйиқ ва зўравонликни содир этган шахс билан суҳбат ўтказиляпти;

– профилактика инспектори томонидан ҳимоя ордери расмийлаштириляпти;

– тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари марказий туман (шаҳар) шифохоналарининг шошилинч қабул бўлимларига жойлаштирилмоқда;

– расмийлаштирилган ҳимоя ордерлари ва жабрланган шахсларга доир маълумотлар “Инсон” марказларига “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими орқали юборияпти.

Мазкур ҳужжат асосида **1 октябрдан бошлаб,** республикамизнинг барча ҳудудларида тазйиқдан жабрланган шахсларга руҳий инқироз ҳолатида бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш мақсадида, **шошилинч қабул бўлимларида туну кун ишлайдиган бирламчи кўмак хоналари ташкил этилади.**

Бирламчи кўмак хоналарида:

– жисмоний ва руҳий ҳолатини яхшилаш учун тазйиқ ва зўравонликка учраган, ўз жонига суиқасд қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизлар ҳамда уларнинг вояга етмаган фарзандлари уч суткадан кўп бўлмаган муддатга жойлаштирилади;

– шошилинч биринчи ёрдам, шу жумладан, руҳий, психотерапевтик ёрдам кўрсатилади, шунингдек, юкумли касалликлар мавжудлиги тўғрисида таҳлиллар ўтказилади.

Шунингдек, ҳимоя ордери берилган ҳар бир ҳолатда тазйиқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахснинг зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастури “Инсон” марказлари билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Бундан ташқари, жорий йил **1 декабрдан** бир календарь йил давомида икки ва ундан ортиқ марта тазйиқ ва зўравонлик ҳолати бўйича мурожаат қилинганда ички ишлар органлари томонидан **ҳимоя ордери ташаббус тартибида берилади. 2025 йил 1 январдан** ички ишлар органлари томонидан **тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларнинг реестри юритилади.**





Жанубий Корея компаниялари Ўзбекистондаги САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИда иштирок этади.



III асрга оид бўлган АХСИКЕНТ ЁДГОРЛИГИда қадимий бир қанча буюмлар топилди.



Тошкент мозаикалари ҳақидаги лойиҳа ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛда ғолиб бўлди.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

НОГИРОНЛАРГА ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР МАВЖУД?

Қонунчиликда ногиронлиги бўлган шахсларга қатор имтиёзлар белгиланган. Қуйида уларнинг айримларини эслатиб ўтамиз.

✓ Ногиронлиги бўлган шахслар учун ОТМда давлат гранти асосида қўшимча қабул квотаси ажратилади.

✓ Бундай тоифадаги шахсларнинг автотранспорт воситалари учун ажратилган тўхтаб туриш жойларидан фойдаланганлик учун ҳақ олинмайди.

✓ I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ДХМ ва (ёки) ЯИДХП орқали хизмат кўрсатишда 50 фоиз миқдорида чегирма қўлланилади.

✓ Ногиронлиги бўлган шахслар жамоат бирлашмалари рамзларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш учун давлат божи ундирилмайди.

✓ Ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга ҳамда I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ногиронлик нафақасини тайинлашда давлат хизматлари бепул кўрсатилади.

✓ I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар болаларини давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилишда имтиёзли рўйхатга киритилган.

✓ Тегишли тиббий хулоса асосида муҳтож шахсларга протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари берилади.

✓ Ногиронлиги бўлган шахслар санаторий-курортда бепул соғломлаштириш ҳуқуқига эга.

✓ I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг 60 квадрат метр доирасида бўлган мол-мулки солиқ солишдан озод қилинади.

✓ Меҳмонхоналарда ногиронлиги бўлган шахслар учун алоҳида шароитга эга хона ташкил этилади.

✓ Хизмат тураржойларида яшаётган I ва II гуруҳ ногиронлари хизмат уйидан бошқа турар жой берган ҳолда кўчирилади.

✓ I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ер солиғидан озод қилинади.

✓ Бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган бассейнларда шуғулланиш ва улардан фойдаланиш учун ногиронлиги бўлган болалар тўловдан озод этилади.

✓ Болаликдан ногиронлиги бўлганлар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронларининг МҲТЭКМнинг 3 баравари миқдоридаги маблағлари даромад солиғига тортилмайди.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Чуқурроқ ўргансангиз, осонроқ ечим топасиз

Бирор хонадон эшигини тақиллатиб кириб борар эканман, аввало, уларнинг кечмиши билан қизиқаман. Шу кунга қадар қайси фаолият тури билан шуғулланган, қўлида қандай ҳунари бор? Агар кам таъминланган оила бўлса, бундай шароитга тушиб қолишига нималар сабаб бўлган, деган саволларимга батафсил жавоб олишга ҳаракат қиламан. Ҳеч қачон шошилмайман, ўтириб, бир пиёла чой устида бафуржа суҳбатлашаман. Инсонларнинг хулқ-атворини ўрганаман. Кимдир очиқ-ошкор гаплашишни истаса, бошқаси билан эҳтиёткорроқ муомала қилишга тўғри келади. Имкон қадар одамларнинг кўнглини ражитиб қўймасликка уринаман. Айниқса, имконияти чекланган, ҳаракат қилишга қийналадиган фуқаролардан маълумот сўрашда ҳушёрлик талаб этилади. Ёрдам бераман, деб дилини оғритиб қўйиш ҳеч гап эмас.

Шарофиддин АБДУМЎМИНОВ, Зарбдор туманидаги "Шарқ юлдузи" ва "Янгикент" маҳаллалари ижтимоий ходими.



Ваҳоланки, ўзи кўмакка муҳтож отахон ёки онахон ўсмир ёшдаги набирасини назорат қилолмай қолади. Оқибатда, ҳар хил муаммоли вазиятлар юзага келиши ҳеч гап эмас.

Ҳудудимизда истиқомат қиладиган 194 нафар ногиронлиги бўлган инсонлар билан ишлашда шу каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратаман. Ҳар бири ўзгача олам. Инсонлар кўзининг тубига чўккан ғамларини аритишга ҳаракат қилар эканман, юзида пайдо бўлган ним табассум ҳам менга куч бағишлайди. Муаммоларни ҳал қилиш йўлида 12 нафар имконияти чекланган кишилар протез-ортопедик воситалар ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминланди.

Бундан ташқари, иккита маҳалла ҳудудида 11 та кейс очилиб, 242 та кам таъминланган, шароити оғир оилаларга комплекс хизмат кўрсатилди. Хусусан, 32 ёшли, оғир хасталикдан азият чекаётган аёлга 2-гуруҳ ногиронлиги қайта тайинланди. У турмушидан ажрашгани учун онаси билан бирга яшайди. Шароити оғир бўлганидан, соғлиғини тиклаш учун 10 кун давомида даволанишига кўмаклашдик. Кўшимча равишда моддий ёрдам ҳам берилди. Рўзғорига бироз даромад кирсин, деб маҳалла идорасига ишга жойлаштирдик. Бандлиги таъминлангандан буён анча тетик. Аввал хасталигини ўйлаб, сиқилиб юрарди. Энди ҳаракат қилиши кераклигини тушуниб етди.

Ҳозир 9-синфда таҳсил олаётган бир боланинг ота-онаси 2023 йилда бирин-кетин вафот этади. Орадан вақт ўтиб, вояга етган опаси ҳам турмушга чиқиб кетади. Ёлғиз қолган болага амакисини расман васий этиб тайинладик. Шунингдек, унга боқувчисини йўқотганлик нафақаси тайинладик. Отаси аввал қуришни бошлаган уйи ниҳоясига етмаган эди. Халқ ҳашар йўли билан бинони битиришга кўмаклашмоқда. "Саховат ва кўмак" жамғармасидан мактаб кийимлари хариди учун 800 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

"Маҳалла еттилиги" билан бирга боланинг ҳолидан тез-тез хабар олиб турибмиз. У келажакда ҳарбий бўлишни олдига қатъий мақсад қилиб қўйган. Ҳозирда тарих фанидан қўшимча дарсларга қатнаяпти. Бундан ташқари, спортнинг бадминтон тури билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. Ҳар сафар олдига борганимизда, ўзи билан суҳбатлашамиз. Хоҳиш-истакларини тинглаймиз. Қандай кўмак бўлса, кўрсатишга ҳаракат қиляпмиз.

Ҳудудимиздаги 11 нафар болага ота-она қарамоғисиз қолгани боис васий тайинладик. 7-синфда ўқийдиган қизнинг онаси вафот этгач, отаси бошқа оила қуради. Лекин фарзанди ўгай онанинг қўлида вояга етишини истамагани учун тоғасининг васийлигига топширди.

Кўриб турганингиздек, атрофимизда ҳар хил оилалар бор. Баъзилар болаларининг тақдири учун жон куйдириб, тинимсиз ҳаракат қилса, айримларга бу масала энг охирги ўринда туради. Хорижга ишлаш учун кетаётган фуқаролар мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин. Кўпчилиги кекса ёшли ота-онасига вояга етмаган ўғил-қизини қолдириб кетади. Ваҳоланки, ўзи кўмакка муҳтож отахон ёки онахон ўсмир ёшдаги набирасини назорат қилолмай қолади. Оқибатда, ҳар хил муаммоли вазиятлар юзага келиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун маҳалламиздаги васийлик тайинланган болалар учун кўпроқ вақт ажратишга алоҳида эътибор бераман. Уларнинг руҳиятидаги тушкунликни бартараф этиш учун турли усуллардан фойдаланиб, ўқишга бўлган қизиқишини ошираман.

Шу кунларда камбағалликни бартараф этиш ва аҳолининг фаровон турмуш кечириши учун муносиб шароит яратиб бериш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотларни янада самарали ташкил этиш мақсадида бир таклифни илгари сурмоқчиман. Оғир аҳволда яшаётган оилалар шароитини ўнглаб олиши учун бир йил имтиёзли давр билан 1 гектардан деҳқончилик қилиши учун ер ажратиб берилиши керак. Бундан ташқари, биринчи йили ерга ишлов бериш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратилиши мақсадга мувофиқ бўларди. Оила даромадга чиқиб олгандан кейин ўз аравасини ўзи бемалол тортиб кета олади.

ЖАРАЁН

Инсонийлик туйғуси билан ҳар куни, ҳар лаҳза яшамоқлик — бахт

Ғозғон шаҳар "Тумар" маҳалласида яшовчи 2 нафар вояга етмаган Сардорбек Нуриллаев ва Чаросхон Нуриллаева 2024 йилнинг 4 сентябрь куни Россия давлатидан яшаш манзилига қайтиб келган. "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази ва маҳалладаги ижтимоий ходим ўтказган хатлов натижасида вояга етмаганлар таълимга қамраб олинмагани, васийлик ва ҳомийлик тайинланмагани аниқланди. Ижтимоий ходим болаларнинг бобоси Саломов Нурилло ва буваси Худойқулова Розанинг аризасини киритиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирди ва уларга қонуний вакил белгиланди. Болалар масалалари бўйича шаҳар комиссиясининг тегишли қарорига асосан вояга етмаганлар таълимга жалб этилиб, шаҳардаги 1-умумий ўрта таълим мактабига жойлаштирилди. Қўшимча равишда тўгаракларга жалб этилди.

Шохруҳжон АБДУҚОДИРОВ, Ғозғон шаҳар "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази раҳбари.



Бугун аҳоли учун кўрсатилаётган ҳар бир хизмат уларнинг хотиржам ва фаровон ҳаёт кечиришига қаратилган. Бунинг учун қанча ҳаракат қилсак, тер тўксак оз.

Шунингдек, ижтимоий ходим Бобоназарова Муҳайё фуқароларнинг тегишли ҳужжатлари асосида болалар нафақаси учун аризани "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киритди. Тез кунда оилага давлат ушбу ёрдамни ҳам кўрсата бошлайди.

Бугунги кунда шаҳримизда жами етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, васийлик ва ҳомийлик тайинланган вояга етмаган болалар сони 38 нафарни ташкил этиб, шундан 24 нафари васийлик, 14 нафари ҳомийлик тайинланган болалар ҳисобланади.

"Шайхон" маҳалласида яшовчи болаликдан ногиронлиги бўлган Темурбек Ҳомидовнинг жисмоний, ақлий ҳамда руҳий нуқсонлари бор. У узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлгани учун уйда якка тартибда таълим олишга жалб этилган. Маҳалла ижтимоий ходими Бахтиёр Шокиров тегишли ҳужжатлар асосида болалар нафақаси учун аризасини олиб, уни "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киритди.

Ғозғон шаҳар "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази шу каби оилаларга хизмат кўрсатиш мақсадида 87 та кейс очди. Шундан 53 таси тегишли хизматлар кўрсатилганли сабабли, оилаларнинг ижтимоийлашуви таъминланиб ёпилган. 34 тасига манзиллиги бўйича хизматлар кўрсатилмоқда.

Оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган оилаларни мунтазам равишда мониторинг қилиб бориш, улар учун ижтимоий хизмат ва ёрдамларни ташкил этиш белгиланди.

"Шайхон" маҳалласида яшовчи яна бир фуқаро Зарина Шарипованинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги аниқланиб, вояга етмаган фарзандларининг мактаб кийимларини олишга бўлган эҳтиёжи юзасидан ижтимоий ходим белгиланган тартибда "Саховат ва кўмак" жамғармасидан маблағ ажратилишида кўмаклашди.

Ғозғон шаҳрида 402 нафар ногиронлиги бўлган шахслар бўлиб, 143 нафарига тиббий-ижтимоий экспертиза комиссияси меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун ижобий хулоса берган. Уларнинг 21 нафари ишлаш истагини билдирган. Шундан vacancy.argos.uz платформаси орқали 6 нафар, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизими ва хусусий корхоналарга 3 нафардан фуқаролар ишга жойлаштирилди.

Шаҳар "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази Психологлар гуруҳи бош мутахассиси тазйиқ ва зўравонликка учраган, "ҳимоя ордери" олган 13 нафар хотин-қизга психологик хизматлар кўрсатиб, уларнинг ҳаётга бўлган қизиқишларини ошириб, оғир ижтимоий вазиятдан чиқишига ёрдам берди. 1 нафар ўз жонига қасд қилишга уринган жабрланувчини бу йўлдан қайтариб, унинг ҳиссий кечинмаларини тинглаш орқали психологик кўмак кўрсатилди. Шунингдек, 5 нафар вояга етмаган ва 1 нафар ногиронлиги бўлган шахснинг психологик саломатлигини қўллаб-қувватлаш, жумладан стресс ва депрессия ҳолатини енгиш, ўзига ишонч, мақсадга йўналганлик, ҳаётга қизиқиш, бардошлилик каби ҳаётий иродавий кўникмаларини, мулоқот хусусиятларини ошириш мақсадида психологик хизматлар кўрсатилди.

Бугун аҳоли учун кўрсатилаётган ҳар бир хизмат уларнинг хотиржам ва фаровон ҳаёт кечиришига қаратилган. Бунинг учун қанча ҳаракат қилсак, тер тўксак оз. Зеро, халқнинг олиб борилаётган сиёсат ва ислоҳотлардан рози яшаши, кейинги муваффақиятларнинг асосий заминидир.

ЭЪТИБОР

БОЛАЛАРИМИЗ БАҒРИМИЗГА ҚАЙТИШДИ

Октябрь ойининг дастлабки кунларида Ички ишлар, Ташқи ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан ҳамкорликда хорижда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган 4 нафар бола Ўзбекистон Республикасига қайтарилди.

Уларнинг 3 нафари Туркиядан, 1 нафари Россия Федерациясидан олиб келинди. Бунда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги болаларни жойлаштириш ва уларни оилаларига ёки яқин қариндошларига қайтариш бўйича тезкор чоралар кўрди. Хусусан, 2 нафарини ота-онасига, 1 нафарини холасининг васийлигига топшириш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилди. 1 нафар бола бўйича вазият баҳоланмоқда. Онаси Россия Федерациясидан қайтгунигача вақтинчалик васийликни расмийлаштириш учун яқин қариндошлари аниқланмоқда.

Ўтган давр мобайнида жами 89 нафар Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаган фуқаролари қайтарилди.

Уларга яшаш манзилига яқин "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари бир қатор хизматлар, жумладан, болаларнинг ўзлари ва уларнинг оила аъзоларига психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатмоқда.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги матбуот хизмати.



Ўзбекистон Республикаси Бош вазири мамлакат ШАХМАТ ФЕДЕРАЦИЯСИ раиси этиб сайланди.



Дунё курашчилари жорий йилнинг 15-19 октябрь кунлари Термизда Ўзбекистон РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ учун беллашади.



Бутунжаҳон бокс ассоциацияси (WBA) нинг сентябрь ойи учун ЯНГИЛАНГАН РЕЙТИНГида мамлакатимизнинг 8 нафар боксчиси ўрин олди.

МАНЗАРА

Аёллар севимли машғулоти билан банд



Маҳалла идорасида ташкил этиладиган тадбир ва йиғилишларга доим муваффақиятга эришиб келаётган тадбиркор ва етакчи аёлларни таклиф қиламан. Жонли мулоқот ўз ишини бошлашга иккиланиб турган кўплаб опа-сингилларимизга туртки беради. Қизиқтирган саволларига жавоб олиб, хаёлан бизнес лойиҳасини ҳам шакллантиради. Айримлар йирик корхоналарда тажриба ошириш учун ишга жойлашади.

Ҳулкар АБДУАЛИМОВА,
Кармана туманидаги “Боғишамол” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Аёллар бандлигини таъминлашда шундай маҳорат дарслари жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу усул орқали шу кунга қадар қанчадан-қанча аёлларни тадбиркорлик йўлига киришга эришдик. Хусусан, Сурайё Нуруллаева 2022 йилда ташкил этган “Қувноқ даврим” хусусий болалар боғчасининг фаолиятини йилдан-йилга кенгайтириб келмоқда. Айни вақтда 200 нафардан кўпроқ тарбияланувчиси бор. Қолаверса, 23 нафар ишсиз аёлнинг бандлигини таъминлаб келмоқда. Жорий йилда маҳалла тавсияси билан 100 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, болаларга қулайлик яратиш мақсадида транспорт хизматини ҳам йўлга қўйди. Ота-оналар шароитдан миннатдор.

Мафтуна Эрматова маҳалла ҳудудида бўш турган бинодан унумли фойдаланиш мақсадида гўзаллик салони ташкил этди. Тадбиркор ўзини ўзи банд қилишдан ташқари, яна 4 нафар хотин-қизга янги иш ўрни яратди. Айни вақтда аёлларга барча турдаги хизматлар кўрсатиб келинмоқда.

Наргиза Шомуродова тадбиркорлик қилиш истагини билдиргани боис “Аёллар дафтари”га киритилган эди. Шунга асосан, маҳалла тавсияси билан 33 миллион сўм миқдорида кредит олиб, қандолатчилик корхонасини ташкил этди. 2 нафар аёл билан бирга, турли пиширик ва ширинликлар тайёрлаб савдога чиқаряпти. Харидорлари сафи борган сари кўпаймоқда.

Бундан ташқари, жорий йилнинг шу даврига қадар 23 нафар хотин-қизга талаб ва истагидан келиб чиқиб, кредитлар берилди. Жумладан, 8 нафар опа-сингилларимизнинг чорвачилик қилиш истагини рўёбга чиқариш мақсадида 17 миллион сўмдан маблағ йўналтирилди. Ҳозир барчаси ўзининг севимли машғулоти билан банд. Оиласи бағрида, фарзандларига қараб, қўшимча даромад топяпти.

Йил бошида ҳудудимизда 23 нафар аёл ишсизлар рўйхатига киритилган бўлса, шу вақтгача уларнинг 21 нафари турли соҳаларда банд қилинди. Яна 2 нафарига ҳоким ёрдамчиси билан муносиб иш ўрни қидиряпмиз.

Фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири — оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш борасида ҳам кўплаб тадбирлар олиб борилмоқда. Айниқса, оилавий низоларни бартараф этиш, ажралишларнинг олдини олишга кўпроқ эътибор қаратяпмиз. 12 та оилада келиб чиққан можароларни батафсил ўрганиб, 9 тасини яраштиришга эришдик. Яна 3 тасига ўйлаб кўриши учун вақт берилган.

Таҳлилларга асосланадиган бўлсак, оилавий келишмовчиликларни келтириб чиқараётган сабаблар сифатида эркакнинг ичкиликка ружу қўйиши, эр-хотиннинг ўзаро бир-бирини тушунмаслиги, хиёнат ҳамда учинчи шахс аралашуви каби омилларни келтириш мумкин.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида кундан-кунга мақсад ва режаларимиз кўлами кенгайиб бормоқда. Олдимизда мамлакатни ҳар жиҳатдан равнақ топтириш, камбағалликни бартараф этиш, фаровон турмуш сари интилиш каби улкан вазифалар турибди. Шундай экан, уларни амалга ошириш учун бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилмасак, натижага эришиш қийин. Бунинг учун, биринчи навбатда, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш зарур. Агар оилада, маҳаллада, жамиятда бир-биримизни тушуниб, ҳурмат қилиб яшасак, муаммонинг ўзи қолмайди.

САЛОМАТЛИК

ҚЎШИМЧА ОВҚАТ — ҚЎШИМЧА ҚУВВАТ

Чақалоқ олти ойга тўлгач, шифокор тавсияси асосида унга она сутидан ташқари бўтқа, шарбат ва пюре кўринишида қўшимча озуқалар бериш мумкин. Сабаби, тез ривожланаётган мурғак организмнинг эҳтиёжлари она сути билан тўла қопланмайди.

Фотима АБДУРАҲМОНОВА,
Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази бўлим мудири, тиббиёт фанлари номзоди.

Гўдакни қўшимча таом билан она сутидан олдин озиқлантириш керак. Болага бундай егулик икки ҳафта давомида берилгач, учинчи ҳафтадан бир марталик қўкрак сути билан овқатлантириш ўрнига алмаштирилади. Улар таркиби сабзавот бўтқаларидан ташкил топган бўлиши лозим.

Даставвал, бўтқа оз-оздан (5-10 грамм) бериб борилади, кейинчалик керакли миқдорга аста-секин етказилади. Шуни ёдда тутиш лозимки, бу ёшдаги гўдакка бир пайтнинг ўзида иккита қўшимча таом берилмайди. Бола биринчи қўшимча озуқага кўниккач, иккинчисига ўтиш мумкин.

Кичкинтой 7 ойлик бўлгач, унга иккинчи қўшимча таом – бўтқалар (маннали, гречкали) берилиб, икки ҳафта ичида иккинчи галдаги она сути у билан алмаштирилади. Ушбу даврда қайнатилган тухум сариғининг ярмини ҳафтасига икки марта, кейин кунора бериш мумкин.

Бола 8 ойга тўлганда таомномага учинчи қўшимча егулик сифатида қатиқ ва творог киритилади. Дастлаб, қатиқ оз-оздан (5-10 грамм) бериб борилади, кейинчалик керакли миқдорга аста-секин етказилади.

9-ойдан бошлаб нон (печеньелар), олмани бўлакча шаклида бериш мумкин.

10-ойликдан бошлаб гўшт қиймасидан тайёрланган фрикадельлалар, 12-ойликдан буғда пишган котлетлар берилади.

Болага чой бериш мақсадга мувофиқ эмас. Унинг ўрнига мева шарбати, қайнатилган сув ичирилади.



ТАЖРИБА

Хоҳиш, ирода, қатъият бўлса кифоя!

Паркент туманидаги “Самаробод” маҳалласида истиқомат қилувчи Маҳфуза Баротованинг асли касби — тарбиячи. У 20 йилдан кўпроқ вақт давомида мактабгача таълим ташкилотида ишлаган. Фаолият олиб бораётган болалар боғчаси таъмирланиши ортидан маълум муддат ишсиз қолади...



Гулшода ИБРОҲИМОВА.

Уни болажонларга бўлган меҳри, ўз касбига садоқати янги ғоялар, янги ташаббуслар яратишга ундади. Асосийси, аёл ишсиз қолгани учун тушкунликка тушмади. Аксинча, ўз уйида болалар боғчаси ташкил қилиш режасини тузди. Узоқ йиллик тажрибаси ва билими туфайли ишлари осон кечди. Маҳфуза опа дастлаб ўзи яшаб турган хонадонида уй боғчаси ташкил қилади.

— *Маҳалладагилар мени яхши билишар, ишонишарди,* ***— дейди Маҳфуза Баротова.*** *— Шу боисми, уй боғчамизга талаб ошиб борди. Дастлаб 25 нафар болажонни қабул қилдик. Кейин ўғилларим ёрдамида янги бино қуриб, 75 ўринли болалар боғчаси ташкил этдик. Албатта, бундай натижалар ўз-ўзидан бўлмади. Аввало, юртимизда хотин-қизларга бўлган эътибор, шу билан бирга, имтиёзли кредит ажратилиши фаолиятимизни янада кенгайтиришга туртки бўлди. Дастлаб 33 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олиб, хоналарни жиҳозладик. Қарзимизни ўз вақтида сўндирганимиздан сўнг яна 100 миллион сўм миқдорда кредит олиб қўшимча жиҳозлар харид қилдик. Бугунги кунда боғчамиз тўлиқ қувватда фаолият олиб бормоқда. Тўловлар, коммунал хизматлар, ойлик маош ва боғча учун харажатлардан ташқари, ойлик даромадимиз 20 миллион сўмга яқин.*

Маҳфуза опанинг келгусида режалари катта. Айни пайтда болалар боғчасини янада кенгайтириш учун қўшимча бино қуриш ишлари олиб борилмоқда. “Йил якунига қадар ўринлар сонини 100 нафарга етказмоқчимиз”, — дейди у суҳбат давомида.

Паркент туманидаги “Бўстон” маҳалласида мўъжазгина бир манзил бор. Бу ерда мазали ўзбек ва қозоқ миллий таомлари тайёрланади. Умумий овқатланиш шохобчасини Юлдуз Қаюмова бошқаради. Бу ернинг ўзига хослиги — унинг атмосфераси. Овқатланиш учун келувчи мижозлар махсус ўтовларга таклиф этилади.

— *Дастлаб фаолиятимни уйда пиширмқлар пишириб, дўконларга етказиб беришдан бошлаганман,* ***— дейди Юлдуз Қаюмова.*** *— Ёшлигимдан пазандачиликка иштиёқим юқори бўлгани боис, мен тайёрлаган таомлар ва ширинликларнинг доим харидори топилган. Бир марта харид қилишдими, албатта, яна буюртма беришарди. “Қўлим ширинда” (кулади). Кейинчалик турмуш ўртоғимнинг ёрдами билан кичкина дўкон ташкил этдик. Мана ҳозир бир кунда 100-150 нафар мижозга хизмат кўрсатишга мўлжалланган овқатланиш шохобчасига эгамиз. Ўзим бош ошпазман. Кейинги босқичда фаолият туримизни кенгайтириш ниятидамиз. Масалан, ҳозир мижозлар учун таклиф этиладиган қимиз, қурут, қази каби маҳсулотларни сотиб оламиз. Чорвачилик фаолиятини йўлга қўйиш орқали ана шу маҳсулотларни ўзимиз етиштиришни мақсад қилганмиз.*

Бугун тадбиркорлик қилиш истагида бўлган хотин-қизлар, бизнесга биринчи қадам қўйганлар ёки фаолиятини кенгайтириш истагида бўлган опа-сингилларимиз учун барча шароит ва имкониятлар етарли. Фақатгина хоҳиш, ирода, қатъият бўлса кифоя. Ўз бизнесини ривожлантириш орқали оиласига даромад келтириб, фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўша олади.



ҲАФТАЛИК

ИХТИРОЧИЛИК ВА ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ҚИЛИНАДИ

Жорий йилнинг 7-11 октябрь кунлари Ихтирочи хотин-қизларнинг инновацион тадбиркорлик ҳафталиги ўтказилади. Бу бўйича Вазирлар Маҳкамасининг тегишли баёни ижрога қаратилди.

Мазкур ҳафталикда ўз тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлаётган 200 нафардан ортиқ хотин-қизлар бизнес ғоялари билан иштирок этади.

Ихтирочи хотин-қизларнинг инновацион тадбиркорлик ҳафталигини ўтказишдан асосий мақсад:

- ✓ юртимизнинг иқтидорли хотин-қизлари томонидан амалга оширилиши режалаштирилаётган инновацион лойиҳалар ва ишланмаларнинг, бизнес ғояларнинг асосий йўналишлари, ҳолати ва даражаларини аниқлаш;
- ✓ мамлакатимиз хотин-қизларини ихтирочилик ва тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш ва уларнинг ўзига бўлган ишончини орттириш;
- ✓ хотин-қизларнинг интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишларига кўмаклашиш;
- ✓ уларнинг тадбиркорлик фаолиятига инновацион ёндашувни жорий қилиш;
- ✓ хотин-қизларнинг ўз бизнес ғоя ва лойиҳаларини амалга оширишига кўмаклашиш.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

ISSN 2010-7013

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
6 700 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-920

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.